

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ИСЛОМ ДИНИ ТАЪЛИМИНИНГ ТАРИХИЙ-ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Юсуфбек Собиржонович ЖАҲОНГИРОВ

тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Андижон давлат университети

Андижон, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада мустақиллик йилларида диний таълимнинг аҳволи ҳамда диний ташкилотларни кадрлар билан таъминлаш масалалари даврлар кесимида қиёсий-таҳлил услубида ёритилган. Ўзбекистонда мадрасаларнинг очилиши, уларнинг кадрлар тайёрлаш ишига алоҳида эътибор қаратилади. Республикада фаолият олиб бораётган исломий-диний ташкилотлар тизимидаги ўзгаришлар, имом-хатибларнинг малакасини оширишга доир жихатлар уч даврга бўлиб ўрганилади.

Таянч сўзлар: Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Диний таълим муассасаси, мадраса, диний таълим, Тошкент Ислом институти, Мир Араб мадрасаси.

ИСТОРИКО-СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ИСЛАМСКОГО РЕЛИГИОЗНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

Юсуфбек Собиржонович ЖАҲОНГИРОВ

доктор философии (PhD) по историческим наукам

Андижанский государственный университет

Андижан, Узбекистан

Аннотация

В статье с помощью метода сравнительного анализа освещаются состояние религиозного образования в годы независимости и вопросы обеспечения кадрами религиозных организаций. В Узбекистане особое внимание уделяется открытию медресе и подготовке их кадров. Изменения в системе исламско-религиозных организаций, действующих в республике, вопросы повышения квалификации имам-хатибов изучаются при разделении на три периода.

Ключевые слова: Управление мусульман Узбекистана, Религиозное образовательное учреждение, медресе, религиозное образование, Ташкентский Исламский институт, Медресе Мир Араб.

Ўзбекистон Республикасида диний таълим тизими, хусусан Ўзбекистон Мусулмонлари идораси тасарруфидаги 3 та олий ва 10 та ўрта-махсус ислом билим юртлари фаолият кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ислом илмлари Қуръони карим, ҳадис, ақида, фикҳ (ислом ҳуқуқи) фанлари

бўйича чуқур билим ва амалий тажрибага эга, халқаро миқёсда эътироф этилган етук уламолар, имом-хатибларни тайёрлаш бўйича катта тажриба орттирилган. Бугунги кунда Россия Федерацияси, Кавказ минтақаси ва Марказий Осиё давлатларида фаолият кўрсатаётган муфтий ва уламолар ўзлари таҳсил олган Мир Араб мадрасаси ва Тошкент Ислом институти сингари мамлакатимизнинг диний таълим муассасалари тажрибасини юксак баҳолайдилар.

Ислом дини ташкилотлари учун тегишли мутахассис кадрлар тайёрлашда мустақилликнинг дастлабки ва кейинги даврларида мавжуд муаммолар ҳам кўзга ташланган. Диний таълимнинг анъанавий ҳамда эскича радикал тизими жамият тараққиётидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг маълум тамойиллари ривожланиши учун анча тўсиқ бўлиб қолган эди. Мазкур ҳол мустақилликнинг дастлабки йилларида, ҳали соҳадаги масалалар тўлиқ ўз ечимини топмаган бир вақтда айниқса, яққол намоён бўлди.

1998 йилда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун янги таҳрир сифатида истиқлолнинг биринчи ўн йиллигида қабул қилинган бўлса-да, давлатнинг диний соҳадаги сифатли кадрларни тайёрлаш мақсадидаги режасини тўла амалга ошира олмади. Масжидларнинг қисқариши билан боғлиқ вазиятда, диний таълим муассасаларини битираётган мутахассисларнинг эҳтиёжини қондирса бўлди, деган собиқ иттифоқдан қолган “унсур”нинг узоқ йиллар устувор бўлгани исломий таълим муассасаларининг квоталарини кескин озайишига сабаб бўлди.

Бунгача, қарийб 18 та расмий 50 га яқин норасмий мадрасалар фаолият кўрсатган. 1998 йил 10 августда янги қабул қилинган қонун асосида Тошкент ислом институтига № 01-рақамли гувоҳнома берилиб, шу билан биргаликда яна ЎМИ тасарруфидаги 5 та ислом ўрта махсус билим юртига диний таълим фаолиятини олиб бориш учун махсус рухсатнома — лицензия берилган [1;108]. Имом-хатибларни олий маълумот олиш ва кейинги илмий фаолиятини давом эттиришда ҳам номутаносибликлар вужудга келди.

Исломий таълим муассасаларидаги профессор-ўқитувчилар таркибида илмий салоҳият нисбатан паст бўлган. Бундай вазиятда Тошкент Ислом институти профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш, уларнинг илмий салоҳиятини юксалтиришда 1995 йилда ташкил этилган Халқаро Ислом тадқиқот марказининг ўзи етарли даражада бўлмаган.

Хусусан, Халқаро Ислом тадқиқот маркази директорининг илмий ишлар бўйича муовинининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарига юборган хатида қуйидаги фикр-мулоҳазалар илгари сурилади. *“... Халқаро Ислом тадқиқот маркази илмий тадқиқотларни юқори савияда олиб бориш учун олий малакали кадрларга муҳтож. Келажакда ушбу марказ қошида аспирантура ва докторантура ташкил қилиниши ушбу муаммони ҳал қилишга ёрдам беради, албатта. Халқаро Ислом тадқиқот марказида фаолият кўрсатаётган бир қатор уламолар, хусусан таниқли исломишунос олимлар: Шайх Абдулгани Абдуллаев, Шайх Абдулазиз Мансур, Салоҳиддин Мухиддиновлар ўзларининг илмий иқтидорлари, яратган асарлари, амалий фаолиятлари бўйича фан докторлари ва фан номзодларидан қолишмайдилар. Аммо, илоҳият ихтисосликлари бўлмаганлиги туфайли улар ана шундай илмий даража ва унвонларга эга эмаслар. Халқаро Ислом тадқиқот маркази ташкил этилиши муносабати билан ушбу алломаларга илмий унвон ва даражалар бериш масаласини ҳал этиш имконияти яратилди, деб ҳисоблаймиз”* [2;84]. Хужжатда уламоларга илмий унвон бериш тўғрисида ёрдам кўрсатилиши ва уни Олий аттестация комиссиясидан сўраш тўғрисида илтимоснома ҳам акс ҳам этган. Яна бир хужжатда эса шахсан Халқаро Ислом тадқиқот маркази директори қози Абдуғани Абдуллоҳ ушбу марказ қошида илоҳият фанлари бўйича аспирантура ва докторантура, шунингдек, бир қатор диний йўналишлар бўйича ихтисосликлар ташкил этишни илтимос қилади. Ушбу Марказ ўз фаолияти давомида бир қатор илмий адабиётлар, китоблар чоп этди, лекин илмий йўналиш бўйича ихтисосликлар очилмади. Қолаверса, ТИИ ўқув режалари, ўқув дастурлари, ўқитиш тизими тўлиқ халқаро ислом мамлакатлари йирик университетлари стандартларига тўлиқ

жавоб бермас эди. Бироқ у минтақада етук мавқе ва тажрибага эга бўлган исломий олий таълим маркази сифатида машҳур бўлган. Қайд этиш лозимки, айнан Тошкент Ислом институтининг ўз мавқеи, билим ва кўникма даражаси юқорилиги боис ўн йиллар давомида Марказий Осиёда асосий мусулмон олий диний таълим маркази сифатида кўплаб қўшни давлатлар талабаларига ҳам ўз бағридан жой берган. 1998 йил қонунчилигидаги ўзгаришлардан сўнг эса, собиқ совет Иттифоқидан келган 218 талаба ўз навбатида, ўз давлатларига жўнатилган [3].

Оддий фуқароларни ислом диний таълимининг асосий манбаи Қуръони каримни ўрганиш масаласидаги эҳтиёжлари бир неча йиллар давомида муаммога айланди. Бу албатта, ўша даврдаги мавжуд дин ва давлат муносабатларидаги вазият билан боғлиқ бўлган.

Ўзбекистонда ислом дини таълими борасида республикадаги 10 та мадрасалардаги ҳолат, 90-йиллардаги муаммолар, билим бериш даражасининг бир томонлама бўлиб қолганлиги кадрлар тайёрланишига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Мадрасаларда кечган жараёнлар архив ҳужжатлари ва тегишли адабиётлар, материаллар, хориж нашрлари таҳлили остида комплекс ўрганилган ҳолатга эътибор берилса, хусусан 1991–1999 йиллар даврида Ўзбекистонда расмий ва норасмий мадрасаларда тайёрланаётган кадрларнинг сифат даражаси, малакаси мақсадга мувофиқ эмаслиги, кадрлар тайёрлаш стандартлари замонавий талабларга мос келмаслиги каби салбий ҳолатлар мавжуд бўлган. Бу каби ҳолатлар 1999–2016 йиллар оралиғида амалга оширилган ўзгаришларда маълум даражада қайта кўриб чиқилди. 1999 йилдан фақат расмий мадрасалар фаолиятига рухсат берилиши соҳада катта бурилиш ясади.

Кейинчалик 1999 йилдан Тошкент Ислом университетининг ташкил этилиши илоҳий диний таълим соҳасида ижобий ўзгаришларга олиб келса-да, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги мутахассислар билан алоқаларда тўлиқ такомилига етмади.

Бироқ кейинги 2017 йиллардан бошлаб, барча соҳалардаги ижобий ўзгаришлар натижасида ислом диний таълими борасида ҳам янги муносабат шаклланди.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун янги таҳрирининг қабул қилиниши ва соҳага доир қабул қилинган қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар давлатнинг диний ташкилотларга кадрлар тайёрлаш бўйича аниқ механизм ва чегарасини белгилаб берди.

Халқаро Ислом академиясининг ўз фаолиятини бошлаши республикада соҳа ривожига муҳим босқичлардан бири бўлди. Янги академиянинг асосий вазифаси этиб – Қуръон илми, ҳадиси шариф, ислом ҳуқуқи, ақида, тасаввуф, ислом иқтисодиёти ва молияси, ислом тарихи, манбашунослиги каби диний таълим йўналишлари, диншунослик, халқаро муносабатлар, хорижий тиллар, зиёрат туризми ҳамда мумтоз шарқ адабиёти сингари дунёвий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича бакалаврлар ва магистрлар, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб боровчи илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш қилиб белгиланди.

Янги диний марказларнинг ташкил этилиши, жойларда турли йўналишда ислом илмлари мактаблари фаолиятининг йўлга қўйилганлиги, имом-хатибларнинг малакасини оширишда минтақавий марказларнинг очилиши ва энг асосийси, Халқаро Ислом цивилизацияси марказига тамал тоши қўйилиб, кенг кўламда ишлар олиб борилаётганлиги ушбу йўналишдаги муаммоларга ечим бўлиб хизмат қилмоқда. Фуқароларни диний таълимдаги эҳтиёжларини қондириш мақсадида жойларда Қуръон курслари фаолият кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда Тошкент Ислом институти концепциясини такомиллашиб борилиши натижасида 2017–2018 ўқув йилидан бошлаб ТИИда модуль тизими асосида қабул жорий қилиниб, кадрлар малакасини ошириш ва уларга олий маълумотли мутахассис бўлиб шаклланишига катта эътибор қаратилди. Бу борада Тошкент Ислом институтидан ташқари Мир Араб олий мадрасаси, Ҳадис илми олий мактаби ташкил этилди. Хусусан,

Мир Араб мадрасасининг мусулмон дунёсидаги тарихий аҳамияти ва нуфузини эътиборга олиб, “Мир Араб” ўрта махсус ислом билим юртининг ҳуқуқий мақомини сақлаб қолган ҳолда, “Баҳоуддин Нақшбанд” мажмуасидаги ўқув маркази биносида Мир Араб олий мадрасаси, яъни исломий олий таълим муассасаси ўз фаолиятини бошлади. Яқинда 2024–2025 ўқув йилидан бошлаб, Термиз шаҳрида Имом Термизий номидаги исломий олий таълим муассасаси ташкил этилиб, фаолиятининг йўлга қўйилганлиги, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро илмий марказларининг очилиши диний ходимлар таркибини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, исломий таълим муассасаларида эса чуқур билимга эга бўлган педагог кадрлар билан таъминлаш бўйича ҳуқуқий асос ва моддий-техник база шаклланишига эришилмоқда.

Республикада ислом дини таълими соҳасида мутахассислар фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг ислом дини таълимининг турли йўналишларидаги билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида турли илмий мактаблар фаолияти йўлга қўйилди. Масалан, Самарқанд шаҳрида “Калом илми мактаби” илмий тадқиқот маркази шаклида ташкил этилди. Мазкур марказ калом илмига оид асарлар устида илмий тадқиқот ишларини олиб боради. Тингловчилар учун калом илми бўйича асарларни давра дарслари асосида ташкил этади, илмий назарий таҳлил қилади, жамиятдаги турли ақидавий масалаларни чуқур ўрганган ҳолда асосли раддиялар тайёрлайди. Марказда тингловчиларнинг илмий тадқиқот ишлари олиб бориш ва давра дарсларида иштирок этиш муддати белгиланмайди, яъни таълим замонавий модуль шаклида олиб борилади. Марказ тингловчиларига маълум бир асарни тамомлаганлиги тўғрисида сертификат (ижоза) берилади.

Бухоро вилоятида ташкил этилган “Тасаввуф мактаби” илмий ходимлари калом илми мактабидан фарқли ўлароқ тасаввуф илмига оид мўътабар асарлар асосида давра дарсларини олиб боради. Мазкур мактаб тингловчилари тасаввуф ва руҳий тарбия илми бўйича асарларни давра дарслари асосида ташкил этади, асарлар давомида ўрганилиб, фаолият

кўрсатиб келаётган тариқат йўналишларини чуқур ўрганади ва ривожлантиради ҳамда сохта тариқат йўналишларига асосли раддия беради.

Шунингдек, Қашқадарё ақида мактаби Абу Муин Насафий маркази қошида фаолият кўрсатиб келмоқда. У жамиятдаги турли ақидавий масалаларни чуқур ўрганган ҳолда асосли раддиялар тайёрлайди.

Республикада сўнгги йилларда ташкил этилган яна бир илмий мактаблардан бири Фарғона вилоятида ташкил этилган бўлиб, Фарғона ислом ҳуқуқи мактаби номида фаолият олиб боради. Халқимизнинг бирдамлигига раҳна соладиган мазҳабсизлик ва салафийлик йўналишларининг иддаоларига қарши илмий асосланган раддиялар ишлаб чиқиш, уларни кенг жамоатчиликка етказиш муассасанинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Шу билан бирга, бугунги мураккаб ва таҳликали даврда замонавий таҳдидларга қарши тура оладиган чуқур билим ва кенг дунёқарашга эга, диний фанларни пухта ўзлаштирган мутахассисларни тайёрлаш вазифаси тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Мутахассисларни тайёрлашда диний таълимдан олий таълимнинг кейинги босқичига қамраб олишдаги номутаносибликларга барҳам берилди. Диний соҳада кадрлар тайёрлашнинг бешта босқичи амалиётга жорий этилди. Булар: *биринчи* босқич – ўрта диний таълим босқичи – 4 йил, мутахассислик: имом, имом ноиби; *иккинчи* босқич: олий диний таълим босқичи – 4 йил, мутахассислик: имом, педагог-ўқитувчи, соҳа мутахассиси; *учинчи* босқич: магистратура босқичи – 2 йил, мутахассислик: бошқарув аппарати ходими, педагог ўқитувчи; *тўртинчи* босқич – таянч докторантура (PhD) босқичи – 3 йил, мутахассислик: илмий ходим, исломшунос, илоҳиётчи; *бешинчи* босқич – докторантура (DSc) босқичи – 3 йил, мутахассислик: илоҳиётчи олимларни тайёрлаш кўзда тутилди. Ушбу тизимни жорий қилиш орқали республикада профессионал, диний фанларни чуқур ўзлаштирган, замонавий таҳдидларга қарши тура оладиган малакали диний ходимлар, имом-хатиблар тайёрланиши масаласи ўз ечимини топишига эришилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Виждон эркилиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонуннинг 2021 йилда қабул қилинган янги таҳрири.
<https://lex.uz/docs/5491534>.
2. ЎзР ПАА 978-фонд, 26-руйхат, 379-йиғмажилд, 108-варақ
3. Ўзбекистон Миллий архиви, М-37-фонд, 1-руйхат, 1501-йиғмажилд, 84-варақ.
4. Ўзбекистон мусулмонлари идораси жорий архиви, (Маълумотлар ТИИ 1997-2001 йиллар).